

ШАРТНОМА № 4

Дори воситалари ва тиббий буюмлар
билан таъминлаш хақида

«07» сентябрь 2022й

Марғилон шаҳри

Ушбу шартнома бир томондан келгусида «Таъминотчи» деб аталадиган "Абу-Али-Ибн-Сино" хусусий дорихонаси номидан унинг раҳбари Тухтасинов Х.А. ва иккинчи томондан келгусида «Истеъмолчи» деб аталадиган Доттириб 1-сонли шифохона номидан унинг раҳбари А.Орипов лар уртасида хар икки томоннинг амалдаги «Низом»лари ва Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги Қонунига шунингдек бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги мазмунда тузилди.

1. Шартнома предмети.

- 1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га ушбу шартномага асосан умумий қиймати 2822500 (ёкки миллион саккиз юз илтиртми чққ беш) сум булган дори воситалари ёки тиббий буюмлар (келгусида «Товар» деб номланади)ни спецификацияга асосан етказиб беради.
- 1.2. .
- 1.3. .0
- 1.4. «Истеъмолчи» эса уз навбатида ушбу «Товар»лар учун келишилган ҳақни шартноманинг 3 бўлимида белгиланган шартлар асосида тулайди,
- 1.5. Вилоятдаги даволаш муассасалари учун «Таъминотчи» бир ойлик лимити асосида «Товар» ларни етказиб беради. «Истеъмолчи» эса ажратилган ойлик лимити микдори суммасини уз вақтида тулик тулайди.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 2.1 «Таъминотчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
- 2.1.1. «Истеъмолчи» томонидан «Товар» умумий нарҳининг 30 фоизи «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига олдиндан тулангандан сўнг «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни «Товар» билан таъминлайди.
- 2.1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» га тегишли ҳужжатлар асосида «Товар»ни белгиланган тартибда ҳамда белгиланган стандарт сифат даражасида топшириш мажбуриятини олади.
- 2.1.3. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»нинг хоҳиши билан «Товар»ни уз транспорт воситаларида «Истеъмолчининг манзилгоҳига етказиб бериши мумкин. Бу ҳолда транспорт воситаси орқали етказиб бериш харажати қушимча далолатнома орқали «Истеъмолчи» томонидан қопланади.
- 2.1.4. «Таъминотчи»нинг транспорт воситасида етказилган «Товар»нинг микдоридан аниқланган қамомат ҳамда сифатсизликлар юзасидан «Истеъмолчи» «Таъминотчи»нинг вақили иштирокида «Товар» етказилган қундаёқ далолатнома тузиб ҳолатни тасдиқлайди. Мазкур далолатномага асосан қамомат ҳисоби «Таъминотчи» томонидан тулдирилади. Агарда ушбу ҳаракатлар уз вақтида амалга оширилмаса эътироз асосиз деб ҳисобланиб, инobatга олинмайди.
- 2.2. «Истеъмолчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
- 2.2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»дан шартнома тузилгандан сунг етказиб берилиши лозим булган «Товар» учун уларнинг умумий қийматининг 15 фоизини олдиндан тулаган ҳолда тегишли ҳужжатлар асосида қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.
- 2.2.2. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»дан Ўзбекистон Республикаси фармокологик руйхатдан утказилиб, ишлатишга рұхсат этилган, сифати, маркировка ва урамлари амалдаги фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга булган «Товар»ларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Етказиб берилган «Товар» сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаса, «Истеъмолчи» «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ «Товар»ни қабул қилишни ҳамда уларнинг ҳақини тулашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмайдиган «Товар» қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундиришга ҳақли.
- 2.2.3. «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»га спецификацияда курсатилган дори-дармон воситаларини уларга ажратилган лимит доирасидаги маблаглар ҳисобида тулик олишлари шарт. Акс ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг 31-моддасига мувофиқ белгиланган лимит доирасида танлаб олинмай қолган (олиш асосиз рад этилган) «Товар» суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган «Товар»лар буйича эса 10 фоизи микдорида жарима ундирилади.
- 2.2.4. «Истеъмолчи» томонидан «Таъминотчи»га спецификацияда курсатилган дори-дармон воситаларини етказиб беришни «Таъминотчи» асосиз равишда рад этса, «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га етказиб берилмаган «Товар» умумий қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тулайди.

3. Тулов тартиби,

- 3.1. «Истеъмолчи» шартнома имзолангандан сунг етказиб берилиши лозим булган «Товар» умумий қийматининг 15 % ни олдиндан тулайди. Етказиб берилган «Товар»лар туловининг қолган, яъни 85 % қисми эса «Истеъмолчи» томонидан «Товар» қабул қилиб олингандан сўнг 30 календарь қун ичида тулаб берилади.

4. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари

- 4.1. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари Ўзбекистон Рёспубликасининг Фуқаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун

хужжатлари билан тартибдага солинади.

5. Жарималар қўлланилиши

5.1. Агар «Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи»га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари ўтиб кетган маҳсулот етказиб берилган ҳолда «Истеъмолчи» «Таъминотчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 0,1%, л шартноманинг 1.3. бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 10% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчили. белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Таъминотчи» муддати ўтган маҳсулотларни умумий қийматини 0,1% ни ҳар бир муддати ўтган кун учун, лекин шартнома умумий суммасининг 10% дан ошмаган ҳолда «Истеъмолчи»га жарима тўлайди.

6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Тарафлардан ҳеч бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин булмаган ҳолатлар (урушлар, фуқаролик тартибсизлиги, блокада, эмбарго, табиий офатлар) билан боглик ҳолатда бажармаганлиги учун жавобгар булмайди.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Ушбу шартнома ёки унга боглик масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агарда келишувга эришилмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик судида ҳал қилинади.

8. Шартнома муддати ва уни узгартириш тартиби

8.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча узгартиришлар ва қушимчалар фақат томонларнинг узаро ёзма келишувлари билан киритилиши мумкин.

8.2. Шартнома бир ҳал юридик кучга эга булган икки нусхада тузилди.

8.3. Ушбу шартнома газначилик булими томонидан руйхатдан утказилгандан сўнг юридик кучга қиради

8.4. Шартноманинг муддати тарафлар имзолаган кундан 31.12.2022 йил кунига қадар амал қилади.

9. Томонларнинг манзилгоҳлари ва реквизитлари:

«ТАЪМИНОТЧИ»

‘Абу-Али-Ибн-Сино’ хусусий дорихона
(таъминотчининг номи)

Манзил: Марғилон шаҳар Туркистон куча
№ 209 уй

Тел./факс : 8-(373) 237-43-99

х/в 20208000800215915001

Банк номи : ОАТБ Кишлоқ Қурилиш банк
МФО : 00527

СТИР : 200141208

ОКОНХ : 71212

Раҳбар : Тухтасинов Х.
(Ф.И.Ш)

(имзо)

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

1-сонли шифр хона
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Тинчлик ш. Шифрхона

Тел./факс 432-59-28

ш/х* 401422260302037073102054001

СТИР 200774514 ОКОНХ 91511

Марғилон шаҳри буйича Газначилик
бўлинмаси

Газна х/в 179777

Банкнинг номи Маъказий Банк

МФО 00014 СТИР 20122919

Раҳбар А. Ортоб.
(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мен, У. Абдуллаев хукукий маслаҳатчи (хукукшунос ёки адвокат)и мазкур шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хукукий экспертизадан утказиб:

1. Шартнома лойиҳасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беришини ва қонунга мос ҳолда тузилганлиги;

2. Томонларнинг шартномада қўрсатилган мулкый жавобгарликлари ва узаро низоларни ҳал қилиш йуллари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги қонун асосида белгиланганлигини

АНИКЛАДИМ

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шартнома лойиҳасини қонун доирасида тузилган деб ҳисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман.

«07» январ 2022 й.

(имзо)

(ФИШ)

